



2002  
ТУШЛАР  
ТАЪБИРИ

**2002**  
**ТУШЛАР**  
**ТАЪБИРИ**

“MERIYUS”  
Тошкент-2016

УДК: 398.7

ББК: 86.42

И 35

2002 тушлар таъбири / тўплаб, нашрга тайёрловчи  
З.Ҳамдамова. - Тошкент.: “MERIYUS”, 2014 йил, 224 бет.

ISBN 978-9943-395-79-4

УДК: 398.7

ББК: 86.42

Тўплаб, нашрга тайёрловчи:

**Зухра ҲАМДАМОВА**

Туш ҳамма вақт катта аҳамиятга эга бўлиб келган.  
Чунки у инсон руҳияти, келажаги, кимлиги ва қандайлиги  
ҳақида маълумот беради.

Умид қиламизки, ўтмиш ва бугунги замон  
муаббирлари таъбирномасидан фойдаланиб тайёрланган  
ушбу китоб сизга манзур бўлади.

ISBN 978-9943-395-79-4

С И. Нуриллоҳ, 2014

С “MERIYUS” ХМНК, 2014

## СЎЗБОШИ

Туш кўриш – инсониятга берилган ажойиб ҳолатдир. У одамнинг руҳиятини билдириш билан бирга ғайб оламига ҳам боғланган бўлади. Инсон туш кўраётган вақтида унинг руҳияти вужудини бутунлай эгаллаб олади ва ўз измига солади.

Туш ҳар хил бўлишини олимлар ўрганиб чиқишган. Биз нафақат ухлаганимизда, балки мудраганимизда ҳам туш кўрамиз ёки уйғоқлигимизда хаёл сурганимиз каби уйқуга кетиб-кетмай ҳам ўйлар гирдобида қоламиз. Баъзан бу тушми ёки хаёл эдими, фарқлай олмаймиз.

Уламолар эса раҳмоний ва шайтоний тушлар борлигини уқтиришган. Тушнинг яхши ёки ёмонлиги уни кўрган вақтимизга қараб ҳам белгиланар экан. Айтишларича, саҳар пайти кўрилган туш ишончли бўлиб, кўнгилга хотиржамлик бағишлайди.

Кўрган тушимизни эслаб қолиш ёки эслай олмаслигимиз ҳам ажиб ҳолат. Агар уйқудан тўсатдан уйғотиб юборишса, кўраётган тушимиз икир-чикиригача ёдимизда қолар экан.

Албатта, ҳар биримиз тушларимиз нима маъно беришини билишга қизиқамиз. Агар улар яхшиликка далолат қилса, хурсанд бўлиб, кайфиятимиз кўтарилади. Аксинча бўлса...

Келинг, яхшиси, қуйидаги тушлар таъбирини ўқиб, ўзимизга керакли хулосалар чиқарамиз.

## А

**Автобус.** Агар кимки тушида автобус хайдаб кетаётган бўлса, ўнгида бирон бўлим ёки ташкилотга раҳбарликка тайинланади. Агар киши автобус ичида кетаётган бўлса, ҳаётда оддий одамлар сингари тирикчилик ўтказади.

**Автомобил.** Агар тушингизда янги, чиройли машинага эга бўлсангиз, жамиятдаги мавқеингиз мустаҳкамланиб, бахт сизга йўлдош бўлади.

**Адашишлик.** Тушда қаерда бўлмасин, адашиш ўнгдаги тўсқинликларни англади. Агар адашиб юриб йўл топиб олсангиз, ўнгингизда сизни омад кутади.

**Адвокат.** Тушингизда адвокатни кўрсангиз, ўнгингизда мулкингизга эга чиқмоқчи бўлган ҳасадчиларнинг ҳужумига дуч келасиз.

**Адвокат бўлиш.** Ўзингиз адвокат бўлиб қолсангиз, ўнгингизда ташвишларингиз бениҳоя кўпаяди. Агар судда адвокат сифатида иштирок этиб, ютиб чиқсангиз, ўнгингизда сизни омад кутади.

**Адвокат ёллаш.** Агар адвокат ёллаган бўлсангиз, ўнгингизда кимнингдир ёрдамига муҳтож бўласиз.

**Адоват, душманлик.** Ким тушида бир киши билан душманлашганини кўрса, уни дўст тутуди ва ундан яшириб юрган нарсасини билдиради. Адоват яширган нарсани билдириш, демакдир.

**Аёз.** Тушда ўсимликларни уриб кетган ва ерни музлатган аёз совуғини кўриш ўнгдаги жанжалга ишора.

**Аёл.** Эркак тушида чиройли, аммо нотаниш аёлни учратса, ўнгидаги таваккал қилган ишидан катта зарар кўради.

**Аждар.** Аждарни тушда кўриш душман бўлади. Агар тушида аждар билан жанг қилса, душмани билан жанг қилади. Агар аждарни ўлдирса ва унинг гўштини еса,

душманидан ғолиб бўлади. Агар аждар уни еса, демак, душмани уни ҳалок қилади.

**Азроил (а.с.)ни тушда кўриш.** Кимки Азроилни тушда шод ҳолда кўрса, узок умр кўради. Агар у билан саломлашса, демак, ажали яқинда экан. Агар унга бирон ширинлик берса, жон бериши осон кечади. Агар Азроил унга қахр билан қараса, унинг ўлими хатарли бўлади. Агар унга аччиқ нарса берса, жон бериши қийин бўлади.

**Айбдор.** Тушингизда сизни айблашаётган бўлса-лар, мунофиқ дўстларингиздан эҳтиёт бўлишингиз керак. Агар тушингизда ўзингиз кимнидир айблаётган бўлсангиз, ўнгингизда кўп балоларни бошингиздан кечирасиз.

**Айвон.** Ким тушида айвон кўрса, мол, бола ва улуғликка далолат қилади.

**Айвон пишган ғиштдан бўлса.** Айвон пишик ғиштдан қурилган бўлса, мол-дунёдир.

**Айвон хом ғиштдан бўлса.** Айвон хом ғиштдан қурилган бўлса, диёнатли хотинга ишорадир.

**Айвондан йиқилиб тушиш.** Тушингизда айвондан йиқилиб тушсангиз, ўнгингизда ўйлаган ишларингиз амалга ошмайди.

**Айиқ.** Уни тушда кўриш макр-ҳийла ёки кўпол ва хунук хотинга далолат қилади. Баъзан у асир ва қамокни ҳам билдиради. Яна у аҳмоқ душман ва ҳийлагар ўғри ҳамдир.

**Академия.** Тушда академияда бўлиб қолиш ўнгдаги муҳим хабар ва ишларнинг ривожига далолат бўлади. Уйланмоқчи бўлган одам бундай туш кўрса, ўнгида унинг режалари ўзгариб қолиши мумкин.

**Ака-ука.** Агар инсон тушида акасини (шунингдек, бобосини, амакисини, холасини ва меросда улуш тегадиган яқинларидан бирини) кўрса, бу молда шерик бўлиш ва ўзаро ёрдамлашувга далолат қилади.

**Аквариумдаги балиқчалар.** Тушда аквариумдаги балиқчаларни кўрсангиз, ўнда арзимаган кўнгилсизлик-лар бўлиб ўтади ва сиз бу кўнгилсиз воқеалардан қутулиб қоласиз.

**Акса уриш.** У тушда унга шубҳали бир ишнинг аниқ бўлишидир. Аксириш яна касалнинг ўлими ёки ҳаяжонни келтириб чиқарадиган ғам-ташвишдир. Туш кўрувчи қийинчиликда бўлса, у кетади ёки фақир бўлса, мояна топади. Ким уйкусида қаттиқ чучкурса, душманидан эҳтиёт бўлсин.

**Акула.** Айёр, шафқатсиз, хавfli душман рамзи. Яна акулани туш кўриш оғир касалликка ҳам ишорадир. Агар у тушда сизга ҳамла қилса ва сиз ундан қочиб қолсангиз, ўнгингизда душманингиздан омон қоларкансиз. Тушда ўлган акулани кўрсангиз, ўнгингизда душманингиз устидан ғолиб чиқасиз ва омад сизга кулиб боқади.

**Алахлаш.** Агар тушингизда алахлаётган бўлсангиз, ўнгингизда ҳасадчилар сизни тинч қўймайдилар.

**Алвасти.** Тушда алвасти кўриш ўнгдаги ғийбат ва жанжал, ишларнинг орқага кетишига ишора. Алвасти билан тушингизда тўқнашиб қолсангиз, ўнгингизда уйингиздан чиқиб кетиб, бегона одамлар билан яшайсиз.

**Алгебра тенгламалари.** Агар тушингизда билағонлик ва тиниқ ақл билан алгебра тенгламаларини ечаётган бўлсангиз, ўнгда душманларингизнинг айёрона режаларидан огоҳ бўласиз. Агар бу тенгламаларга тушунмаётган бўлсангиз, ўнгда сизни омадсизлик кутади.

**Алдаш.** Ким тушида бир киши алдаганини кўрса, Аллоҳ унга нусрат беради. Алдовчи қахрга учраб, алданмиш ғолиб бўлади.

**Алифбе.** Тушда алифбе кўрсангиз, ўнгингизда ўзингиз учун тамоман янги бўлган қийин бир ишни бошлайсиз.

**Алифбени ўрганиш.** Агар алифбени ўрганаётган бўлсангиз ва уни тез ўзлаштирсангиз, ўнгингизда бошлаган мушкул ишингиз муваффақиятли тугайди.

**Алифбени ўқишда хато қилиш.** Агар алифбени ўқишда хато қилаётган бўлсангиз, ўнгда сизни оғир синовлар кутади.

**Аллалаш.** Тушингизда кимдир сизни аллалаётган бўлса, ўнгингизда хушёр бўлишингиз керак экан.

**Алой.** Тушда алой ўсимлигини кўриш ким биландир баҳсда ғолиб чиқишга ишора.

**Аллоҳни зикр қилиш.** Барча зикрлар улар қилинаётган жойнинг обод бўлишига далолат қилади.

**Аллоҳнинг тушда аён бўлиши.** Жаъфари Содик айтадиларки, Аллоҳни тушда кўриш етти неъмат бўлади: 1. Авф ва мағфират; 2. Бало ва офатлардан омонда бўлиш; 3. ғалбида Аллоҳнинг нури жўш уриб, хидоят топади; 4. Золимлардан нажот топади; 5. Охират азобидан омонда бўлади; 6. У диёрда ободончилик бўлади ва подшоҳи одил саналади; 7. Шон-шуҳрат, дунёда мартабали бўлиб, охиратда раҳмат назарига тушади.

**Алюмин идиш.** Тушда ялтироқ алюмин идиш кўрсангиз, ўнгда сизни муваффақият кутади. Агар алюмин идиш хира, эски бўлса, ўнгда кўнгилсиз воқеалар содир бўлади.

**Амаки.** Тушингизда амакингизни кўрсангиз, ўнгингизда ёмон хабарга тайёр тулинг.

**Амаки касал бўлса.** Амакингиз тушингизда касал бўлса ёки чарчаган бўлса, ўнгингизда оилангизда кўнгилсизлик рўй беради.

**Амаки хабар айтса.** Тушингизда амакингиз сизга қувончли хабар айтса, ҳаётингизда ўзгаришлар содир бўлади; эрингиз яхши маошли бирон мартабага минади.

**Ананас.** Тушингизда ананас кўрсангиз, ўнгингизда барча ишларингиз муваффақиятли бўлади.

**Амбулатория.** Тушда амбулаторияни кўриш касаллик юктиришга ишорадир.

**Ангишвона.** У тушда ризқ, фарзанд ва хотиндир ёки сафар ё қарзидир. Гоҳо торлик ва қийинчиликни билдиради. Уни бармоқларига таққан киши касал бўлади. Уни ўликнинг кўлида кўриш унинг дўзахдалигига далилдир.

**Анжир.** Уни ким тушида кўрса, фойдаси кўп бўлган ҳалол молга етишади. Шунингдек, анжир насабли ва молдор аёлдир. Кўпинча тушда анжир кўриш қалб ёки кўзнинг заифлигига далолат қилади.



**Анжир еса.** Ким тушида анжир еса, унга фойдали ризк хосил бўлади.

**Анжир дарахти.** Тушда анжир дарахтини кўриш яхшилик йўлида собит турадиган, жамиятга кўп фойдаси тегадиган кишига ишорадир.

**Анкета.** Тушда анкета саволларига жавоб ёзаётган бўлсангиз, эҳтиёт бўлингки, китмирикка дуч келасиз.

**Анор ширин бўлса.** Агар тушда анор ширин бўлса, йиғилган мол-дунёга ишорадир.

**Анор нордон бўлса.** Тушда нордон анор ейиш касаллик ва ҳасадчиларнинг ишингизга халал беришига ишора.

**Анор чириган бўлса.** Ириб-чириб кетган анорларни тушда кўриш ўнгдаги бахтсизликдан далолат.

**Антенна.** Тушингизда антенна кўрсангиз, ўнгингизда ишбилармонлигингиз, ҳушёрлигингиз ва бошқаларнинг хатоларидан фойдалана билишингиз туфайли ишларингизни ривожлантирасиз.

**Анқо қуши.** У тушда миллатга дўст бўлмайдиган бидъатчи, мартабали кишидир.

**Анқо гапирса.** Кимга тушида анқо гапирса, подшоҳ томонидан мол билан ризкланади. Бир ривоятда у вазир бўлади, дейилган.

**Анқо бир нарса отса.** Агар тушда анқо унга бир нарса отса, ўнгда Аллоҳ томонидан подшоҳ кўлидан ризкланади.

**Анқони минса.** Ким тушида анқони минса, подшоҳга голиб бўлиб, унинг тенги бўлмайди.

**Анқони овласа.** Агар тушда анқони овласа, у подшоҳдек обрўли кишига ҳийла қилади. Агар уни ҳийласиз овласа, у шижоатли фарзанддир.

**Анқони сотса.** Агар тушда анқони сотса, ўнгда зулм қилади.

**Анҳор.** Агар анҳор ҳовли-жойлар, уй-хонадонлар бўйлаб оқиб ўтса ва суви тиниқ, ширин бўлса, фаровон ҳаётдан дарак беради.

**Апельсин.** Тушингизда апельсинни кўриб, унга тегинмасангиз, ўнгингизда орзуларингиз амалга ошмайди.

**Апельсин ейиш.** Агар тадбиркор одамлар тушда апельсин есалар, ўнгларида ишлари оркага кетади. Ёшлар тушларида апельсин ейишса, ўнгларида севгиларидан умидсизликка тушадилар, оила курган бўлсалар, ажрашадилар.

**Апельсин сотиш.** Агар тушда апельсин сотаётган бўлсангиз, янги танишув ва дўстликка далолатдир.

**Апельсин харид қилиш.** Тушингизда апельсин харид қилсангиз, ўнгингизда ўзаро муҳаббат ва умидларнинг ушалишига ишорадир.

**Апрел ойи.** Тушда апрел ойи кириб келганини кўриш ишлардаги ва муҳаббатдаги муваффақиятлардан далолат. Энг юксак орзуларнинг амалга ошишига ҳам ишора.

**Араблар.** Уларни тушда кўриш қийин ишларнинг энгиллашишига далолат қилади.

**Арава.** Тушда юкли аравани кўриш катта муаммолар ва жанжал рамзидир. Агар тушингизда уни ўзингиз итариб кетаётган бўлсангиз, ўнгингизда қашшоқлик кўрасиз. Агар араванинг ўзи ғилдираётган бўлса, ўнгингизда кутмаган ерингиздан бойлик келади.

**Арзиз.** Агар тушда арзиз кўп бўлса, унга дунёнинг бирон матоҳи ҳосил бўлади.

**Арзон безаклар.** Тушда арзон безакларни кўриш ўнгдаги кўпгина майда-чуйда ташвишларга ишора.

**Ари.** Ари ёмон одамни англатади. Ариларнинг чақиши ёмон одам томонидан азият кўришдир.

**Арик.** Тушдаги арик (жилға, зовур) ризқ эшиклари ва сабабларидан дарак беради. Шунингдек, томоқни ҳам англатади, чунки у жисмни суғоради.

**Ариқдан сув тошса.** Агар тушда сув ўз йўлидан чиқиб, чап ва ўннга оқса, ўша ҳудуд аҳли учун ташвиш, хафагарчиликдан дарак.

**Арка, дераза.** Кенг арка аёл хулқининг чиройли бўлиши, тори эса хулқнинг ёмонлигига далолат қилади.

**Арка устида ўтириш.** Киши тушида тор арка устида ўтирганини кўрса, аёлини ошкора равишда талоқ қилади. Агар ўтирган арка кенг бўлса, хуфёна талоқ қилади.



Bu tanishuv parchasidir. Asarning to'liq versiyasi  
<https://kitobxon.com/uz/asar/3383> saytida.

Бу танишув парчасидир. Асарнинг тўлиқ версияси  
<https://kitobxon.com/uz/asar/3383> сайтида.

Это был ознакомительный отрывок. Полную версию  
можно найти на сайте  
<https://kitobxon.com/ru/asar/3383>